

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ЯНГИ ХИЗМАТЛАРИ ЖОРИЙ ЕТИШ
ОРҚАЛИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ
ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.**

Умаров Абдулқуддус Абдилхатович
Андижон давлат техника институти Бухгалтерия ҳисоби
ва менеджмент кафедраси доценти, и.ф.ф.д. (PhD)
E-mail: umarov.abdulkuddus@mail.ru

Мамлакатимиз тижорат банкларида илғор юқори информацион технологик воситалар ёрдамида замонавий турдаги банк хизматларини кўрсатиш, электрон тижорат, электрон тўловлар тизими ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро ҳисоб китоблар самарадорлигини оширишга шарт - шароит яратилиб келинмоқда. Шунингдек Республикамиздаги тижорат банк тизимида «Банк-мижоз» ҳамда интернет-банкнинг дастурларини татбиқ этиш юридик шахслар учун қўлланибгина қолмай, балки жисмоний шахсларга ҳам ушбу хизмат туридан фойдаланиш учун бир хил имкониятлар яратилмоқда.

Шунинг учун бугунги кунда мижозлар банк хизматларидан фойдаланиш жараёнида 24/7 режимда фойдалана олиш имкониятини яратиб беришда интернет-банкнинг дастури устуворлик касб этмоқда.

Шу боисдан, банк карталарига хизматларини янги турларини жорий этиш ва ривожланиш тенденцияларини тадқиқ этиш иқтисодий масалаларнинг марказий элементлари бири бўлиб қолади, деб ўйлаймиз. Банк тизимида карта орқали хизматларининг янги турларини жорий этиш орқали молия институтлари томонидан жисмоний шахсларга чакана хизматлар кўрсатиш мавқеини янада мустаҳкамла Умуман олганда, мамлакатимизда банк хизматларида тўлов амалиётини ташкил этиш ва уни банк карталари орқали таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 1 ноябрдаги “Тўловлар ва тўлов тизими тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 -йил 3 апрелда 3294-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк карталарининг чиқарилиши ва муомалада бўлиши қоидалари тўғрисида”ги Низом асосида ташкил этилади. ш имкониятини яратади, деб ҳисоблаймиз.¹

Бугунги кунда талаб ошиб бораётган оммабоп банк хизматларидан масофадан туриб фойдаланишнинг осон ва қулай йечими бу “Digital banking”рақамли банкинг регулятор тизими хизматлари ҳисобланади. Бу хизмат турларидан,

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 1 ноябрдаги “Тўловлар ва тўлов тизими тўғрисида”ги Қонуни,

нафақат, жисмоний шахслар учун балки тадбиркорлик субъектлари ўз ҳисоб-китобларини куну-тун амалга ошириш имкониятига ега бўлишади ҳамда банк муассасасига бориб келишларидаги ортиқча вақт ва харажатларни тежаш имконини ҳам бериши билан алоҳида еътиборга моликдир.

Фикримизча, “Дигитал банк” рақамли банкинг регулятор тизими масофавий банк хизматларини кўрсатишда ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва бу борада халқаро тажрибаларни ўрганиш орқали ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг янги инновацион шакллари кўллаш лозим деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистонда банк тизимида сўнгги йилларда банк хизматларининг сифати ва кўламини ошириш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Лекин жаҳонда бўлаётган ўзгаришлар, глобаллашув жараёни, рақобатбардошликни ҳаддан зиёд ривожланиши, тижорат банкларининг трансформация жараёнини янада фаоллаштириш, мижозларга кўрса тилаётган банк хизматларини янги босқичга олиб чиқиш заруратини юзага келтиради

Хулоса қилиб айтганда, “Digital banking“ рақамли банкинг регулятор тизимини жорий қилиш ва ривожлантириш орқали, тадбиркорлик субъектлари фаолиятидаги ортиқча қоғозбозлик, навбатларда туриб, ортиқча вақт сарфлаш ва банк хизмат кўрсатиш соҳасидаги коррупсияга барҳам беришга олиб келади ҳамда бунинг натижасида уларнинг фаолиятларини янада яхшилашга еришишимиз мумкин деб ҳисоблаймиз.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Рақамли иқтисодиётни асосий “Digital banking” соҳасини драйверга айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баравар оширишга қаратилган ишларни олиб борилиш” мақсади қўйилган. Банк тизимини ривожлантиришнинг асосий драйвери рақамлаштириш 2022-2026 йилларга мўлжалланган банк ва мижоз оўртасида оъзаро ишонч ва шаффофликни ошириш мижозларига хизмат кўрсатиши учун банк биносига шахсан ташриф буюришлари ҳамда хар хил қоғозбозликларни бартараф етиш, мижозлар банк биносига таъширф буюрмасдан ҳам банк хизматларидан фойдаланиши белгилаб ўтилганлигини такидлаб ўтсак муболаға бўлмайди².

Фойдаланилган адабийотлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 1 ноябрдаги “Тўловлар ва тўлов тизими тўғрисида”ги Қонуни,
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони